Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 90 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 23 декабрь, чоршанба № 252 (21.350).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ— Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи муваффақиятли тугади. Бу сафар жаҳон илм-фани ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшган икки диёр — Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги тарихий алоқаларни янги поғонага кўтариши шубҳасиздир. Кўҳна Нил соҳилларида мустақил Ўзбекистон вакиллари катта иззат-икром ва юксак эҳтиром билан кутиб олиниши, айниқса муҳтарам Президентимизга бутун мусулмон оламида машҳур бўлган Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори илмий унвони берилиши республикамизнинг барча фуқароларини, айниқса дин аҳлини беҳад қувонтирди. Ал-Азҳар университети илмий кенгашининг қарорига биноан бу юксак унвонга Ислом Каримов «Ислом динини муҳофаза қилиш ва мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун» сазовор бўлдилар.

Дунё миқёсида мўътабар илм даргоҳларидан бири ҳисобланган Ал-Азҳар университети илмий кенгашининг бу қарори замирида тарихий аҳамиятга молик кўпгина хайрли ишлар борлигини шарҳлашдан олдин муҳтарам ўқувчиларимизга мазкур университет ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.



Ислом Каримовга Фахрий доктор унвонини топшириш маросими.

Мисрда ҳукмронлик қилган фотимийлар сулоласига (909—1171 йиллар) мансуб халифа Ал—Муизнинг Фармонига мувофиқ унинг ҳарбий бошлиқларидан бири Ал—Жавҳар томонидан дастлаб 972 йилда Қоҳирада шу номда жомъе масжиди қурилиб, 996 йил масжид ёнида мадраса тарзида яна бир ўқув юрти ҳам бунёд этилади. Унда Қуръони Карим, пайғамбаримиз Алайҳиссаломнинг Ҳадиси Шарифлари, фиқҳ, араб тили, навҳи сарфи ва бошқа фанлар чуқур ўргатила бошлади. Кейинчалик, аниқроғи, 996 йилга келиб бу мадраса бутун мусулмон оламида машҳур бўлган йирик университетга айланди. Ўша пайтдан бошлаб Ал—Азҳар университети нафақат Миср учун, балки ислом дини тарқаган кўп мамлакатлар учун илоҳиёт, ҳуқуқ, араб филологияси соҳасида малакали кадрлар тайёрланадиган етакчи илм-маърифат масканига айланди. XVIII асрдан бошлаб эса Ал—Азҳар университети деярли бутун мусулмон мамлакатлари учун илоҳиёт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга исломий меросни ўрганиб, тарғиб қиладиган йирик илмий марказ сифатида ҳам шуҳрат қозонди.

Мисрликлар ва кўплаб чет элликлар учун Ал—Азҳар азалдан муқаддас бир даргоҳдир, хавф-хатар пайтларида ҳам, фалокат ва бахтсизликка дучор бўлганда ҳам Ал—Азҳардан нажот излаб, унга илтижо қилганлар. Маккаи Мукаррамага ҳажга кетадиганлар ҳам Ал—Азҳарда тўпланиб, шу ердан йўлга чиқиб, қайтганларида ҳам аввал унга келиб шукроналар билдириб, кейин уйларига тарқаш одат тусига кириб қолган.

Миср халқи озодликка эришгандан кейин (1952 йил) Ал—Азҳар мажмуига эътибор янада ортди. 1961 йилда марҳум Президент Жамол Абдул Носирнинг имзоси билан «Ал—Азҳарни ривожлантириш ҳақида» махсус Қонун қабул қилинди. Давлат университетига айлантирилган Ал—Азҳарнинг бош имоми ва университет ишлари бўйича вазир Президентнинг Фармони билан тайинланадиган бўлди. Мазкур қарорнинг муҳим бандларидан бирига мувофиқ университетда мавжуд диний факультетлар билан бирга дунёвий йўналишлардаги янги факультетлар очилиб, уларнинг сони тўққизтага етказилди. Булар илоҳиёт ёки дин асослари, адабиёт, маъмурий ишлар, тижорат, политехника, қишлоқ хўжалиги, табобат, педагогика ва хотин-қизлар факультетларидир. Бу диний ва дунёвий ўқув юртлари мажмуасида ҳозирги вақтда 80 дан ортиқ мамлакатдан 100 мингдан кўпроқ ёшлар таълим оладилар. Ал-Азҳар университети нафақат мутахассислар тайёрланадиган ўқув маскани, балки йирик илмий марказ сифатида ҳам машҳурдир. Унинг фондида йигирма минг жилддан ортиқ нодир қўлёзмалар, юз мингга яқин нашр этилган адабиётлар мавжуддир.

Университет қошида ислом тадқиқотлари академияси, бир қанча илмий, диний-маърифий муассасалар фаолият кўрсатади. Ал-Азҳар мунтазам равишда ўз журналлари ва даврий нашрларини чоп этади. Ҳозирги вақтда Ал-Азҳар университети ислом дини тарқаган барча мамлакатлар учун малакали мутахассислар тайёрланадиган замонавий йирик ўқув маркази десак ҳам муболаға бўлмайди.

Унинг ректори (арабча шайхул азҳар) мамлакатнинг бош диний раҳбари сифатида катта ҳуқуқларга эга, нуфузли шахс ҳисобланади.

Сўнгги уч йил мобайнида, Ўзбекистонимизда қарор топаётган ижтимоий адолат, айниқса, мустақиллигимиз шарофати билан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётимизда улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шулар жумласидан маънавий дунёмиздаги ижобий ўзгаришлар алоҳида таҳсинга сазовордир. Яратганга шукрлар бўлсинки, биз ўзлигимизни англай бошладик, тарихимиз, маданий меросимиз, бой ва кўҳна қадриятларимиз, айниқса, динимизнинг равнақи йўлида ҳеч бир муболағасиз тарихий ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ислом дини тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз имом Ал-Бухорий, имом Ат-Термизий қаламига мансуб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифлари, диний мазмундаги адабиётларнинг, хусусан, Қуръони каримнинг биринчи маротаба ўзбек тилида нашр этилиши, минглаб масжид-жомъеларнинг очилиши ва эскиларининг таъмирланиши, мадрасалар сонининг бир неча баравар кўпайиши, диний таълим-тарбия олишга эътиборнинг кучайиши, муҳтарам Президентимиз Фармони билан рўза ва қурбон ҳайитлари биринчи кунларининг дам олиш куни деб эълон қилиниши, маданий, маънавий ҳаётимиздаги катта воқеалардир. Ота-боболаримизнинг муқаддас шаҳар Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилишдек азалий орзулари ушалиб, бу йил мустақил Ўзбекистоннинг тўрт ярим мингдан ортиқ мўмин мусулмонлари муборак ҳаж сафарини адо этишдек буюк неъматдан баҳраманд бўлдилар. Шарқ тиллари, айниқса Қуръони карим тили бўлган араб тили республикамиз мактабларида, янги очилаётган лицейларда, олий ўқув юртларида кенг кўламда ўрганилмоқда. Тошкент Давлат дорилфунуни Шарқ факультети замирида Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ташкил этилиши шарқшунос, айниқса, арабшунос мутахассислар тайёрлаш борасида муҳим босқич бўлиши шубҳасиздир. Бой тарихимиз, улкан меросимизни чуқур ва илмий ўрганиш, динимизнинг равнақи йўлида тарихан қисқа муддат ичида амалга оширилган бу хайрли ишлар мазмун-моҳияти жиҳатидан бир неча ўн йилликларга тенгдир.

Халқимизнинг дилини ёритган, ғурури-ифтихорини тиклаган бу хайрли ишлар собитқадамлик билан муҳтарам Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда. Мустақил жумҳуриятимиз раҳбарияти, шахсан Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган ташқи сиёсатимизда мусулмон мамлакатлари билан алоқаларимиз алоҳида ўрин тутади. Чунончи, Президентимиз Ислом Каримовнинг Туркия Жумҳурияти, Покистон Ислом Жумҳурияти, Саудия Арабистони Қироллиги, Эрон Ислом Жумҳурияти ва, ниҳоят, куни кеча Миср Араб Жумҳуриятига қилган дўстона сафарлари тарихий илдизларимиз яқин бўлган бу мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу мамлакатларнинг ҳар бирида ҳам Ўзбекистон Президенти алоҳида ҳурмат билан кутиб олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Бутун ислом дунёсида машҳур бўлган юзлаб буюк алломаларни етиштирган табаррук заминда кейинги йилларда азалий қадриятларни тиклаб, тарихимиз, динимиз равнақи йўлида амалга ошираётган улкан ишлари эвазига Президентимизга шунчалик катта иззат-икром ва эҳтиром билдирилаётганидан халқимиз ҳақли равишда фахрланадилар.

Республикамизда мавжуд сиёсий барқарорлик, тинчлик, осойишталикни сақлашда жумҳуриятнинг ҳар бир фуқароси, жумладан, диндорларнинг ҳам ҳиссалари бор. Бу хусусда Президентимиз ўз маърузаларида ҳам кўп марта таъкидлаганлар. Собиқ Совет Иттифоқининг талай минтақаларида, айниқса, қўшни Тожикистонда бўлаётган можаролар, қон тўкишлар, миллий низолар митингбозлик, қонунларга риоя қилмаслик, турли ғуруҳларга бўлиниш, демократияни рўкач қилиб, эҳтиросларга берилиб кетишлик, диний мутаассиблик, сиёсий беқарорликка сабаб бўладиган салбий ҳаракатлар натижасида содир бўлди. Бу нохуш воқеаларда, айниқса, дин арбобларининг ҳам иштирок этгани ғоят афсусланарли ҳолдир. Дарҳақиқат, элу юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ҳар бир фуқаро масъулиятли бўлиб, барча масалаларни ўзаро ҳамжиҳатлик, муросаю мадора, тинч ва маъмурий йўллар билан ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ислом дини таълимотлари, энг аввало, инсоннинг маънавий камолотига, жамият тараққиётига, адолату инсофга, барча халқларнинг ўзаро тинч-тотув яшашига ва том маънодаги юксак инсоний фазилатларга чорловчи ўта ҳаётбахш ғоялардир. Ўзаро зиддиятлар, диний мутаассиблик ва зўравонлик ҳаракатлари ислом дини таълимотларига ҳам, жамиятимиз қонун-қоидаларига ҳам зиддир.

Ислом фундаментализми, ақидапарастлик, диний мутаассиблик ва зўравонлик, диний тусдаги сиёсий партиялар тузиш, диндорларнинг бошқарув ва давлат ишларига аралашуви каби республикамизда амалда бўлган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисидаги Қонунга хилоф ҳаракатларга жамиятимизда, мустақил Ўзбекистонимизда ўрин бўлмаслиги керак. Айни шу ҳаракатлар ва дин арбобларининг сиёсатга, давлат ишларига аралашуви сабабли қардош Тожикистонда содир бўлаётган фожиали воқеалар сабоқ бўлмоғи лозим. Буларнинг ҳаммаси раҳбариятимиз олиб бораётган сиёсатнинг нақадар тўғри экани исботидир. Президентимизнинг республика Олий Кенгаши сессиясида сўзлаган маърузасида «Дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан» деб лўнда билдирган фикрлари давлат билан диндорлар муносабатида фақат қонун устивор бўлишининг ёрқин ифодасидир. Қонунларга, қонунчиликка қатъий риоя қилинган, мустаҳкам тартиб-интизом бўлган жамиятдагина ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлат қуриш мумкин.

Муҳтарам Президентимизнинг мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлган Ал-Азҳар университети фахрий доктори шарафли унвонига сазовор бўлишлари республикамизда мавжуд диний

(Давоми учинчи бетда).

ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН ЁЗИЛГАН ЛАВҲА



Оллоҳдан бошқа маъбуд йўқ, Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир!

Калиман шаҳодатдан.

Ислом Каримовга Ал-Азҳар университети томонидан берилган Фахрий докторлик дипломи

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим,
Миср Араб Жумҳурияти.
Ал-Азҳар университети.

Ал-Азҳар университетининг кенгаши ўзининг 1413 ҳижрий йил 19 жумодул охира (1992 йил 14 декабрь) душанба куни мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов жаноб олийларига Ал-Азҳар университетининг Фахрий доктори илмий даражасини беришга қарор қилди.

Университет ректори
АБДУЛФАТТОҲ ҲУСАЙНИ аш ШАЙХ.



Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим!
Билмаган нарсангни сенга ўргатди, бу Оллоҳнинг сенга буюк фазлу карамидир!
ҚУРЪОНИ КАРИМДАН.
1413 йил жумодул охира.
1992 йил, декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ВА БОСМАХОНА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Журналистика ва матбаа соҳаларидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари берилсин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Абдураҳмонов Иса — «Зарафшон» газетаси таҳририятининг хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири

Слухов Фёдор Михайлович — «Самаркандский вестник» газетаси таҳририятининг етакчи мутахассиси

Ўлмасов Ибодулла Набиевич — «Зарафшон» газетаси таҳририяти эълонлар бўлимининг мудири

Худойқулов Ризо — «Пахтакор овози» газетаси муҳаррирининг ўринбосари, Нарпай райони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Нурматова Гулсара Тоҳировна — М. В. Морозов номидаги вилоят босмахонасининг директори

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Березнякова Светлана Александровна — «Самаркандский вестник» газетаси таҳририятининг етакчи мутахассиси

Лефтаков Юрий Сергеевич — М. В. Морозов номидаги вилоят босмахонасининг ишчиси

Мўминов Маҳмуд — М. В. Морозов номидаги вилоят босмахонасининг ишчиси

Нажмиддинова Саноат — «Зарафшон» газетаси таҳририятининг машинкаловчиси

Пуставалов Валерий Александрович— «Самаркандский вестник» газетасининг муҳаррири

Темиров Ҳабибулло Неъматиллаевич — «Зарафшон» газетасининг муҳаррири

Шакирова Наталья Александровна — «Самаркандский вестник» газетаси таҳририятининг етакчи мутахассиси

Қосимов Толқун Сапарович — «Самаркандский вестник» газетаси таҳририятининг етакчи мутахассиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 21 декабрь.

ТАНИШИНГ:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОНЦЕРНИ РАИСИ ИНОМ НАЗАРОВИЧ ИСКАНДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ РАИСИ ИСЛОМ КАРИМОВ ИМЗО ЧЕККАН ҚАРОР БИЛАН И. Н. ИСКАНДАРОВ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОНЦЕРНИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ.

Ином Назарович Искандаров 1937 йилда туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, 1962 йил Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик институтини тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи. Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатидир.

У институтни тугаллагач, ўз меҳнат фаолиятини Владимир кимё заводида аппаратчиликдан бошлади. Сўнг Тошкент пластмасса буюмлари заводида технология бюросининг катта муҳандис-конструктори, техник назорат бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1964—1966 йилларда Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинати бош муҳандиси, 1966 — 1972 йилларда Жиззах пластмасса қувурлари заводи директори, 1972—1985 йилларда эса Ангрен резина комбинати директори вазифаларида меҳнат қилди.

1985—1989 йилларда «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 1989 йилдан шу кунгача Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати вазири бўлиб ишлаб келди.

И. Искандаров меҳнатда эришган ютуқлари учун бир қанча орден, медаллар ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Биз Ином Назаровични кўп сонли муштарийларимиз ва ижодий жамоамиз номидан табриклаб, у билан суҳбатлашдик.

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША

— Ином Назарович, концерн тузишдан мақсад нима? Унинг асосий вазифаси нимадан иборат бўлади?

— Концерннинг бош вазифаси — мустақил Республикамиз халқ хўжалигини ва аҳолисининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Собиқ Иттифоқ пайтида ҳаммаси марказлаштирилган усулда амалга оширилар эди. «Бўзчи белбоққа ёлчимас» деганларидек, республикамиз қурилиш хом ашёси ва материалларига бой бўлса-да, ўзини етарли таъминлай олмасди. Эндиликда ана шу хом ашёлардан кам харажат сарфлаб кўп ва сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ниятидамиз.

— Собиқ Иттифоқ республикалари билан иқтисодий алоқаларнинг узилиши қатор муаммоларни келтириб чиқараётгани ишга салбий таъсир этмаяптими?

— Тўғри, биз илгари барча техника, жиҳозларни, эҳтиёт қисмларни, айрим хом ашёларни, Украина, Россия ва Белорусдан олар эдик. Энди эса у тераклар кесилиб кетди. Ҳозир янгитдан иқтисодий алоқалар ўрнатяпмиз. Бартер асосида техника, эҳтиёт қисмлар оляпмиз. Шуннингдек, ўзимизнинг корхоналарда ҳам кўпгина мосламалар ишлаб чиқаришга киришдик.

— Чет эл фирмалари билан алоқалар қандай йўлга қўйилянти?

— Биз билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи чет эл фирмалари талайгина. Биз ҳозир Ҳиндистоннинг «Чинор», Туркиянинг «Юксалиш-иншоат» ва немисларнинг лиолиум ишлаб чиқарувчи фирмалари билан иш олиб боряпмиз. Шуннингдек, Англиянинг «Атоммрамор» фирмаси билан, поляклларнинг «Токра» фирмаси билан мармар ва турли кошин плиталар ишлаб чиқариш устида ҳамкорлик қиляпмиз. Концерн қошида республикамизнинг 63 корхонаси фаолият кўрсатади.

Ишонтириб айтамизки, концернимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи, унинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.

Т. ТОШЕВ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖОЙЛАРИДАН БЎШАТИЛГАН ШАХСЛАР УСТИДАН ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тарбиявий олдини олиш таъсир чораларининг мажмуини ифодалаб, назорат остидагиларга нисбатан ушбу Қонунда кўзда тутилган чеклашларни қўллашдан иборат бўлади.

2-модда. Маъмурий назоратнинг асосий мақсади илгари судланганлар томонидан такрор жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларда ижобий ижтимоий йўлга кириб олишни шакллантиришдан иборатдир.

3-модда. Маъмурий назорат ўрнатилиши ва амалга оширилиши назорат остидаги кишининг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний қадр-қимматини камситмаслиги, иш, ўқиш ва истиқомат жойида обрўсини тўкмаслиги лозим.

4-модда. Маъмурий назорат вояга етган қуйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади:

а) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

б) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ўндан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлсалар.

5-модда. Маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қуйидаги чеклашлар қўлланиши мумкин:

а) куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида уй (кватира)дан чиқиб кетишни тақиқлаш;

б) туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишни тақиқлаш;

в) ички ишлар идоралари (милиция)нинг рухсатисиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишни тақиқлаш;

г) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача милицияга келиб учрашиш.

Юқорида кўрсатилган чеклашлар назорат остида бўлган шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, аввалги судланганлигига ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўла ҳажмда ёки айрим-айрим йўсинда қўлланилади.

Чеклашлар рўйхати узилкесил ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас.

6-модда. Маъмурий назоратни амалга ошириш назорат остидаги кишининг истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари (милиция)га юклатилади.

7-модда. Судьянинг қарори маъмурий назоратни ўрнатиш учун асос ҳисобланади.

8-модда. Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асосли тақдимнома судга қуйидагилар томонидан юборилади:

а) озодликдан маҳрум этиш жойларида турган шахсларга нисбатан, — ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси бошлиғи томонидан, жазога ҳукм қилинган шахс тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганлигидан далолат берувчи материаллар бўлган тақдирда, озод этишдан камида бир ой олдин;

б) озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахсларга нисбатан, — ички ишлар идораси бошлиғи томонидан, шахс ахлоқ тузатиш — меҳнат муассасасидан бўшатилганидан кейин жамият учун зарарли тарзда кун кечираётганлигидан далолат берувчи материаллар асосида.

9-модда. Маъмурий назоратни ўрнатиш тўғрисидаги масала судья томонидан тақдимнома олинган пайтдан бошлаб 10 кундан кечикмай ҳал қилинади. Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорда назорат белгилашга нималар сабаб бўлганлиги, назорат муддати, назорат остидаги шахсга нисбатан қўлланиладиган чеклашлар, агар маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишда белгиланган бўлса, унинг танланган яшаш жойига етиб келиш муддати кўрсатилади.

10-модда. Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланади. Назоратни амалга ошириш муддати, ушбу Қонун 4-моддасининг «а» бандида кўрсатилган шахслар яшаш жойига етиб келган пайтдан бошлаб, 4-моддининг «б» бандида кўрсатилган шахсларга нисбатан эса — судья маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муҳлатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим. Назорат остидаги шахс ўзига белгиланган вақт ичида тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибини бузаётган, фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган ёки ўзига нисбатан қўлланилаётган чеклашларга риоя этмаётган тақдирда маъмурий назорат муддатини узайтиришга йўл қўйилади.

11-модда. Чеклашлар рўйхати назорат остидаги кишининг шахси, унинг турмуш тарзи ва хулқ-атворига қараб, лекин ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган чеклашлар доирасида қисқартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

12-модда. Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси маъмурияти жазони ўташ давридаги маъмурий назорат остига олиниши белгиланган шахсни озодликдан маҳрум этиш, жойидан бўшатиш олдидан у танлаган истиқомат жойидаги ички ишлар идораларига бўшатилаётган кишининг етиб бориш вақтини хабар қилган ҳолда судьянинг маъмурий назорат белгилаш тўғрисидаги қарорини юборади.

13-модда. Судьянинг маъмурий назорат белгилаш ёхуд назорат муддатини узайтириш ва назоратни амалга ошириш вақтида қўлланиладиган чеклашларни ўзгартириш тўғрисидаги қарори назорат остида бўлган шахса ички ишлар идораси бошлиғи томонидан, озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган шахсга эса — ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси бошлиғи томонидан тилхат орқали билдирилади. Бунда назорат остидаги шахсга унинг бурчлари, маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тушунтирилади, назорат озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилиш олдидан белгиланган шахсга эса — танланган истиқомат жойига белгиланган муддатда етиб бормаганлик учун жавобгарлик тушунтирилади. Назорат остидаги шахсга, шунингдек, у маъмурий назоратдан бўйин товлаб истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолганлик учун жавобгарлик тушунтириб берилади.

14-модда. Маъмурий назорат остига олинган шахсларнинг фотосурати олинади ва ички ишлар идораларида ҳисобга олиб қўйилади. Зарур ҳолларда назорат остида бўлган шахсларнинг бармоқлари излари бостириб олинади. Маъмурий назорат остида бўлган ҳар бир шахс тўғрисида назорат дафтари юргизилади.

15-модда. Ички ишлар идоралари (милиция) ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда:

а) назорат остига олинганларнинг хулқ-атворини улар яшаётган ва ишлаётган жойда мунтазам назорат қилиб боришлари;

б) назорат остига олинганларни танлаган истиқомат жойида прописка қилиш ва уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан зарур чоралар кўришлари;

в) улар томонидан жамоат тартиби бузилиши, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказилишининг олдини олишлари ҳамда йўл қўймасликлари;

г) уларга нисбатан белгиланган чеклашлар бузилганлиги тўғрисида қонунда белгиланган тартибда баённомалар ёзишлари шарт.

16-модда. Милиция ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда:

а) назорат остига олинган шахснинг хулқ-атвори тўғрисида у ишлаётган, ўқиётган корхона, муассаса маъмуриятидан ва у яшаётган жойдаги жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролардан маълумотлар талаб қилиб олиш;

б) назорат остида бўлган шахсни ишга жойлаштириш ва унга турмуш шароити яратиб бериш тўғрисида тегишли давлат, жамоат ва хўжалик ташкилотлари олдига масала қўйиш;

в) назорат остида бўлган шахсни суҳбат учун милицияга чақириш, лозим пайтларда бундай суҳбатларни корхоналар, муассасалар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, назорат остига олинган шахснинг қариндошлари, шунингдек суҳбат мавзуига алоқадор шахслар иштирокида ўтказиш;

г) назорат остида бўлган шахсдан маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

д) назорат остида бўлган шахснинг турар жойини соат 6 дан 22 га қадар бориб кўриш ҳуқуқига эгадирлар.

Маъмурий назоратни амалга ошириш юзасидан айрим тадбирларни ўтказишда ички ишлар идораларига ёрдам бериш учун ички ишлар идораларининг штатсиз ходимлари ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари жалб қилиниши мумкин.

Маъмурий назоратдан бош тортаётган шахсларни қидириш судья қарорига биноан милиция томонидан амалга оширилади.

17-модда. Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин, агар уни узайтиришга асос бўлмаса;

б) муддатидан илгари, башарти назорат остида бўлган шахс тузалиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда ўзини яхши томондан кўрсатганлиги аниқланган бўлса;

в) назорат остида бўлган шахснинг судланганлик муҳлати тугаган ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолларда.

18-модда. Маъмурий назоратни 17-моддининг «а» ва «в» бандларида назарда тутилган ҳолларда тўхтатиш тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходими томонидан қарор чиқарилиб, бу қарор ички ишлар туман, шаҳар, шаҳардаги туман бўлими (бошқармаси) бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Маъмурий назоратни 17-моддининг «б» бандида назарда тутилган ҳолларда муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида ички ишлар идораси бошлиғи томонидан судга асосли тақдимнома йўлланади, тақдимнома ўн кунлик муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Судья ёки ички ишлар идорасининг маъмурий назоратни тўхтатиш тўғрисидаги қарори назорат остида бўлган шахсга эълон қилинади.

Маъмурий назорат остида турган шахсга доир ҳисобга олиш ҳужжатлари ички ишлар идорасида назорат тўхтатилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида сақланади.

19-модда. Маъмурий назорат остида турган шахс ҳалол меҳнат қилиб кун кечириши, жамоат тартибини бузмаслиги, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, қуйидаги қоидаларга риоя этиши шарт:

а) милициянинг чақирувига биноан кўрсатилган муддатда бориш ҳамда маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

б) ишлаш ёки яшаш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек туман (шаҳар)дан ташқарига кетаётганги тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходимларини бир кеча-кундузда хабардор қилиш;

в) бошқа аҳоли манзилгоҳига борганида ва у ерда бир кеча-кундуздан кўпроқ вақт туриб қолганида маҳаллий ички ишлар (милиция) бўлимида рўйхатдан ўтиш;

г) ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган, унга нисбатан қўлланилган чеклашларга риоя этиш.

20-модда. Маъмурий назорат остига олинган шахслар белгиланган чеклашларни бузганлари тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий назоратдан бўйин товлаб истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолган, шунингдек маъмурий назорат озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилаётганда белгиланган ҳолларда танланган истиқомат жойига муайян муддатда узрли сабабларсиз етиб келмаган назорат остидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиладилар.

21-модда. Ушбу Қонунга риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

22-модда. Судьянинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарори прокурорнинг норозилиги билан ёки юқори суд идораси томонидан назорат асоссиз равишда белгиланган деб эътироф этилган тақдирда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

23-модда. Маъмурий назоратни белгилаш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ шикоят ва аризалар ички ишлар идораси бошлиғи, прокурор ёки юқори суд идораси раиси томонидан белгилаб қўйилган ваколатлар доирасида кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

Шикоят берилганлиги судья маъмурий назоратни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқармагунча унинг амалга оширилишини тўхтатиб қўймайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖАРИМА МИҚДОРЛАРИНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Республика қонунларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, «6, 2-модда):

1) кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 179—3, 196—1 ва 198—1-моддалар билан тўлдирилсин:

«179—3-модда. Фойдани (даромадни) қасддан яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширганлик (ҳисобга олмаганлик)

Фойдани (даромадни) қасддан яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширганлик (ҳисобга олмаганлик) агар бу хатти-ҳаракатлар худди шундай қонунбузарлик учун маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилган бўлса, —

икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссаси миқдорида жарима солиш билан жазоланади;»

«196—1-модда. Оммавий ахборот воситаларини ғайриқонуний тайёрлаганлик ва тарқатганлик

Оммавий ахборот воситаларини қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказмай туриб ёки уни чиқаришни ёхуд нашр этишни тўхтатиш тўғрисидаги қарордан кейин тайёрлаш ва тарқатиш, агар бу хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилган бўлса, —

айбдорга қарашли бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш учун фойдаланилган техника воситаларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссаси миқдорида жарима солиш билан жазоланади».

«198—1-модда. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини қасддан бузганлик

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини қасддан бузиши, башарти, худди шу хатти-ҳаракатлар содир этганлик учун маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссаси миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 23-модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисидан «хусусий соҳибкорлик фаолияти ёки коммерцияда воситачилик қилганлик (174-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 177-модда биринчи қисмининг диспозициясидан «эллик тийиндан ортиқ суммага» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) кодексдан 174, 177—3, 179—1, 180-моддалар ҳамда 175 ва 177—2-моддаларнинг изоҳи чиқариб ташлансин;

5) амалдаги 198—1-модда 198—2-модда деб ҳисоблансин ва у қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«198—2-модда. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ўтиш қоидаларини қасддан бузиши

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини қасддан бузиши, яъни Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз яшаши ёки ҳақиқий деб ҳисобланмаган ҳужжатлар билан яшаши, рўйхатдан ёки пропискадан ўтиш юзасидан белгиланган тартибга ёхуд турар жойидан кўчиш ва янги турар жой танлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилмаслиги, бу ерда яшаш учун белгиланган муҳлат тугаганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш қоидаларига риоя қилмаслиги, агар бундай шахслар худди шу қоидаларни бузганликлари учун бир йил давомида илгари ҳам маъмурий жазога тортилган бўлсалар, — бир йилдан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, «2, 3-модда) 108-моддасида:

биринчи қисмидаги «179-моддининг биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «179—3-моддада» деган сўзлар киритилсин;

учинчи қисмидаги «192—194—6»-рақамларидан сўнг «196—1»-рақами киритилсин;

— биринчи қисмдаги «179—1, 180» рақамлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «197—1» рақамларидан сўнг «198—1» рақамлари киритилсин ва «174», «177—3» рақамлари чиқариб ташлансин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13-декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, «35, 411-модда):

1) кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 121—1, 193—1, 206—1 ва 254—3-моддалар билан тўлдирилсин:

«121—1-модда. Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузганлик

Метрополитендан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузганлик, —

энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан то ярмигача бўлган миқдорда жарима солинишига олиб келади:

Маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил давомида худди шундай хатти-ҳаракат такрор содир этилса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан тўла миқдоригача жарима солинишига олиб келади».

«193—1-модда. Давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик

Давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш учун зарур бўлган ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни тақдим этмаслик тарзида бузилиши, ҳисобот маълумотларининг бузиб кўрсатилиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларининг бузилиши —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан беш ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

Маъмурий жазо берилгандан сўнг бир йил мобайнида такроран содир этилган айни шундай хатти-ҳаракатлар, —

энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасидан ўн ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

«206—1-модда. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузганлик

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишга доир ҳужжатларни расмийлаштиришнинг белгиланган тартибини бузиши, — ғайриқонуний равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар мусодара этилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссаси миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

Худди шундай хатти-ҳаракатлар мансабдор шахслар томонидан содир этилган бўлса, — ғайриқонуний равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар мусодара этилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан то ўн беш ҳиссаси миқдоригача жарима солишга сабаб бўлади».

«254—3-модда. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг идоралари

Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг идоралари ушбу Кодекснинг «93—1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган идоралар номидан маъмурий жазолар беришга Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Истиқболни белгилаш ва статистика бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман ҳамда шаҳар ҳокимликларининг истиқболни белгилаш ва статистика бўлимлари бошлиқлари ҳақлидирлар».

2) 56-моддининг изоҳи чиқариб ташлансин;

3) 128—1-моддининг учинчи қисмидаги «Метрополитен вагонларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 128—2-моддининг биринчи қисмидан «шунингдек метрополитенда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) 158-модда қуйидаги мазмунда бўлган иккинчи қисм билан тўлдирилсин;

«худди шу ҳатти-ҳаракатлар маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилса, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг ярмигача миқдорда, мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима солинишига олиб келади»;

6) 166—1-моддининг диспозициясидаги «эллик тийиндан ошмаган» деган сўзлар «кам миқдордаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 171-моддининг диспозициясидан «текин даромад миқдори юз сўмдан ортиқ бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 175-моддада:

сарлавҳаси ва биринчи қисмининг изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

175-модда. Фойдани (даромадни) яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яширганлик (ҳисобга олмаганлик) ва касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик

Фойдани (даромадни) яширганлик (камайтириб кўроатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яширганлик (ҳисобга олмаганлик); шунингдек бухгалтерлик ҳисоб-китобининг йўқлиги ёки ҳисоб-китобни белгиланган тартибни бузиб олиб борганлик ҳамда бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатганлик, солиқларни ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган бошқа тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бўлган бухгалтерлик ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик, шунингдек касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик —»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

9) 175—1-моддининг биринчи қисмидан «даромадлар ҳисоб-китобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб борганлик, даромадлар ҳақидаги декларацияларни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик ёхуд декларацияга нотўғри маълумотлар киритганлик» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) 194-моддининг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оммавий ахборот воситасини қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказмай туриб ёки уни чиқаришни ёхуд нашр этишни тўхтатиш тўғрисидаги қарордан кейин қонунга хилоф ҳолда тайёрлаш ва тарқатиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг 5 ҳиссаси миқдорида жарима солиб, матбаа ёки бошқа нашрнинг жами нусхаси олиб қўйилишига сабаб бўлади»;

11) 207-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

207-модда. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш қоидаларини бузиши

Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилиши, яъни Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз яшаш ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаш, рўйхатдан ёки пропискадан ўтиш ёхуд бир жойдан иккинчи жойга бориш ва истиқомат жойини танлаб олиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилмаслик, яшаш учун белгиланган муддат тугагач, бу ердан чиқиб кетишдан бўйин товлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш қоидаларига риоя қилмаслик, —

энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасигача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилувчи ёки уларга хизмат кўрсатилишини таъминловчи, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш шартларига риоя қилиш билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан уларни рўйхатдан, пропискадан ўтказиш ёки рўйхатдан чиқариш, улар учун Ўзбекистон Республикасида яшаш, бир жойдан иккинчи жойга бориш ва истиқомат жойини ўзгартириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш юзасидан белгиланган тартибнинг бузилиши, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан ўн ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусий иш билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган ҳамда уларга уй-жой майдони берган фуқароларнинг уларни белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатдан, пропискадан ўтказишни ёки рўйхатдан ўчиришни таъминлаш чораларини кўрмаслиги, —

энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши юзасидан белгиланган қоидаларга ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиши қоидаларига хилоф равишда фуқароларнинг чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жой, транспорт воситаларини бериб қўйиши ёки уларга бошқа хил хизмат кўрсатиши —

энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

12) 228-моддининг биринчи қисмидаги «193—200» рақамлари «193, 194, 195—200» рақамлари билан алмаштирилсин;

13) 232-модда «189-моддаларида» деган сўзлардан кейин «194-моддининг учинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) 233-модда иккинчи қисмининг биринчи бандидаги «206-моддалар» деган сўзлар «206, 206—1-моддалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IV. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 121—1 ва 206—1-моддаларида кўзда тутилган протокол ички ишлар идорасининг ваколатли ходимлари (милиция) томонидан тузилади.

V. Ўзбекистон Республикасининг 1970 йил 24 июндаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1970 йил, 18, 168-модда):

1) 40-моддининг сарлавҳасидаги ва биринчи қисмидаги «йигирма ёшга тўлгунга қадар» деган сўзлар «йигирма уч ёшга тўлгунга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 122-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

122-модда. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган оғир жиноятлари учун тайинланган жазони ўтаб чиққан ёки қасддан қилган ҳар қандай жинояти учун икки марта ва ундан кўп марта судланиб, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўташ давридаги ёхуд жазони ўтаб бўлгандан кейинги хулқи улар ахлоқан тузалиш ва меҳнат қилиб ҳалол кун кечириш йўлига тушишини сира истамаганликларидан далолат бериб турган бўлса, ички ишлар идоралари бундай шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатадилар.

Маъмурий назорат ўрнатиш учун асос ҳамда уни амалга ошириш тартиби озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорат ўрнатиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгилаб қўйилади»;

3) 123-моддада:

Иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 122-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасининг бошлиғи улар бўшатилишидан энг камида бир ой олдин муассаса жойлашган ердаги судга маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги асослаб кўрсатилган тақдимнома ҳамда маҳкумнинг ахлоқан тузалиш ва меҳнат қилиб, ҳалол кун кечириш йўлига тушишини сира истамаётганлигидан далолат берувчи материалларни юборади»;

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖАРИМА МИҚДОРЛАРИНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

модда қуйидаги мазмунда бўлган учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги судьянинг қарори ҳамда танланган турар-жойга етиб бориш муддати назорат остидаги шахсга тилхат воситасида маълум қилинади. Қарор назорат остидаги шахс танлаган турар жойдаги ички ишлар идораси (милиция)га барвақт жўнатилади, бунда сўнгги муддат бўшатилган кун ҳисобланади».

VI. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси қабул қилингунга қадар бундан буён қатъий сўмларда ифодаланган жарима миқдорларини қайта ҳисоблашнинг қуйидаги тартибига амал қилинсин:

агар жариманинг энг юқори миқдори:

— ўн сўм бўлса, у ҳуқуқбузарлик содир этилаётган даврда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисмига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори йигирма беш сўмдан оз бўлмаслиги керак;

— ўттиз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бирига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори эллик сўмдан оз бўлмаслиги керак;

— эллик сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ярмига тенг деб ҳисоблансин, бунда жариманинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисмидан оз бўлмаслиги керак;

— юз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан оз бўлмаслиги керак;

— икки юз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда ўзда тутилган жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ярмидан оз бўлмаслиги керак;

— уч юз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги керак;

— беш юз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— минг сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— уч минг сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўн минг сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— йигирма беш минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўттиз минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— беш минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўн минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўн беш минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— йигирма беш минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўттиз минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссасига тенг деб ҳисоблансин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

VIII. Ушбу Қонун эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

КАМТАРИН МУРАББИЙ

Сермазмун ва пурмаъно кечган умрнинг ҳар бир соати ва куни ҳисобсиз воқеаларга бой бўлади, шу сабабли бундай умр кечираётган кишилар билан ишлаётганлар учун бутун бир йиллар ниҳоятда тез ўтиб кетганини баъзан сезмай ҳам қоласан киши. Ҳамкасбимиз ва дўстимиз Ғайни Нажимович Нажимов ана шундай мазмундор умр эгасидир. Биз унинг дўстлари узоқ кечган умрни сезмай қолгандаймиз, у кишини ҳамон ёш ҳис қиламиз.

Ҳурматли Ғайни Нажимович шу кунларда ўз таваллудларининг 70 йиллиги ва илмий-педагогик, ижтимоий фаолиятларининг 50 йиллигини нишонламоқдалар. 50 йил — Ватан, эл, одамлар учун жон фидойилик, садоқат, меҳр-оқибат билан ўтказилган йиллар. Бу йилларнинг ҳар бирида дуч келган муаммолар, ечилган масалалар, ҳал қилинган тақдирлар, баҳра олган одамлар.

Ғайни Нажимович илк меҳнат фаолияти 1943 йили Ватан тақдири жанг ва меҳнат майдонларида ҳал бўлаётган даврда бошланди. У киши шу йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаб доно ва ғамхўр домлалари, республикамиз отахон файласуфларидан бири Ҳасан ака Ғофуровича Расулов (руҳлари шод бўлсин у кишининг) тавсияси билан пединститутда домла бўлиб қолдилар. Истиқболга ишонган устоз ўз шогирдини мураббийликка йўллаган эдилар. Қисқа вақт ўқитувчилик давридаёқ Ғайни Нажимовдаги ташкилотчилик, одамларга ўз фикрини тушунтира билиш ва улар тафаккурини жалб қила олиш хусусиятлари ёрқин намоён бўлди. Шу даврдан бошлаб унинг фаолиятида мураббийлик, олимлик ва ташкилотчилик уйғунлашиб кетди. Домла аввал Марказқўм лектори, Марказқўм тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири, сўнгра Республика радиолаштириш қўмитасининг раиси лавозимларида жонбозлик билан ишлаб, буюк инсон — Шароф Рашидович Рашидовнинг эътиборига тушадилар ва шундан сўнг 25 йил давомида у киши билан ишлаш шарафига муяссар бўладилар. Неча йиллар Марказқўм бўлим мудири, «Ўзбекфильм» киностудияси директори, Ўзбекистон Телеграф Агентлиги, Марказқўм Маданият бўлими мудири, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири лавозимларида кўрсатилган фаолиятнинг мазмуни бир дунё. Ғайрат-шижоат, ҳалоллик, ўзига ва атрофдагиларга юқори талабчанлик, одамийлик ва зиёлилик — домланинг фазилатларидир. Аммо совуқ эсган шабада ва шамоллар бу кишини ҳам четлаб ўтмади. Шароф Рашидовичнинг эътиборида бўлиш ҳам гуноҳ деб ҳисобланган йиллари, авжи ақлзаковат, ҳаёт тажрибаси барқ урган бир вақтда Ғайни Нажимовични пенсияга жўнатишни раво кўрдилар.

Лекин мард ва покиза инсонга бирон кун ҳам умидсизлик бегона эди. У ўзи сочган эзгулик уруғлари бир кун мева беришини билар эди. Ғайни Нажимович учун энди жон фидойилик мураббийлик ва илм майдонига кўчган эди. Монографиялар, китоблар, 100 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар, ўнлаб шогирдлар ва юзлаб толиблар фаол ўтган 50 йилнинг серҳосил меваси бўлди.

Ҳаётда инсонлар ўтаверар. бироқ инсоннинг қилган ишлари қолар экан. Ҳар бир давр садоқат билан элга қилинган меҳнатни ўзича ардоқлайди ва тақдирлайди. Эл Ғайни Нажимовични ҳам юксак қадрлади, қутлади. Уни халқ ноиби, Марказқўм аъзоси, мамлакат маданияти, турмуши ва ижтимоий тараққиётини белгиловчи мартабали йиғинларга юбориб, улкан масалаларни ҳал қилишни унга ишонди ва элнинг бундай ишончини оқлашда у киши ҳам панд бермади. Ватанимизнинг қатор орденлари, қўша-қўша нишонлари, давлатимизнинг Фахрий ёрлиқлари — қилинган фидойиликнинг ифодаси бўлди. Одамийлик, саховатпешалик, меҳр-оқибатнинг мукофоти эса санаб саноғига етмайдиган эски ва янги, кекса ва ёш барча дўстларнинг, қолаверса, толиб ва талабаларнинг туганмас меҳримуҳаббати, ҳурмати ва эъзозидир.

Ғайни Нажимович айни кунларда кексалик гаштини сурадиган ёшдалар, бироқ бу ёш уларнинг фаолликларини чеклаб қўя олмайди. Улар 1985 йилдан буён Тошкент Давлат университети қошидаги ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтида ўз шогирдларига фалсафа ва маданиятшуносликнинг долзарб масалаларидан сабоқ бериб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси фахрийлари жамиятидаги фаолиятларида кексалар дарди ва эъзозига тегишли масалалар бу кишини тинчитмайди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ўзлигини англаган, маданий меросини, авлодлари тақдири ва анъаналарини тўла тушуниб ета оладиган, ўз истиқлолига эришиб порлоқ истиқболи учун курашчан фуқароларни, хусусан ёш авлодни тарбиялашга оид ўткир муаммолар — унинг сермазмун илмий китоб ва рисолалари мавзусидир.

М. БАРАТОВ,
С. ТУРСУНМУҲАМЕДОВ,
А. ЖАЛОЛОВ,
М. УСМОНОВ.

1966 йил. Ғ. Нажимов (чапдан тўртинчи), Шароф Рашидов ва бошқалар билан Мирзачўл далаларида.

• Йилни яхши якунлаётганлар

ҚУВОНЧЛИ • НАТИЖАЛАР

Андижон вилоятининг Асака районидаги тиркамалар заводи жамоаси йилни яхши якунламоқда. Ҳозиргача 84 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона кейинги пайтларда тракторлар учун тиркамалар тайёрлашга ихтисослашмоқда. Бу йилдан бошлаб эса корхонада қишлоқ хўжалик машиналари ва тиркамаларни комплектлаш учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари харидорлар талаби ўрганиб чиқилиб, ишбилармонлар томонидан «Ишонч» кичик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда халқ истеъмоли моллари, яъни буклама караватлар, боғда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, йигирма турдаги ўюувчи асбоблар тайёрланади. Бундай ноёб буюмлар харидорлар томонидан тезда сотиб олинмоқда.



Заводда мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Бу албатта ишчи кучи етарли бўлган район учун қониқарли. Корхонада ишлаб чиқаришдан олинаётган фойда меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланаётир. Ошхонада сифатли овқатланиш ва ишчиларнинг транспорт ҳаражатлари уларга ойликка қўшимча тўланаётган ҳақ туфайли анча арзонга тушмоқда. Корхона қошида болалар боғчаси, 9 та тўрт қаватли уй-жой бинолари бунёд этилган. Ўта муҳтож бўлган оилаларга эса корхона томонидан 53 та квартира текинга хусусийлаштириб берилди. Бундай тадбиркорлик мевасидан барча ишчи-хизматчилар баҳраманд.

Суратда: йиғувчи-слесарь Баҳодир Матаев.

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (ЎзА).

• Газета ёрдам қилди

АГАР БЕФАРҚ БЎЛМАСАК

Шу йил «Ўзбекистон овози» газетасининг 12 май сонида «Дайдилар ким? Ўғрими ёки...» номли мақолам чоп этилган эди. Унда республикамизга Иркутск, Донецк, Санкт-Петербург, Владивосток, Новосибирск ва шунга ўхшаш бошқа шаҳарлардан турли юқумли касалликларга дучор бўлганлар келиб, шифохоналаримизга жойлашиб, ҳар хил ўғирлик, безорилик қилиб, бизни кўп овора ва нотинч қилаётганликлари ҳақида тўлиқ далиллар келтирилганди.

Мана, мақола чоп этилганига ҳам олти ой бўлди. Бу давр ичида у газетхонлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Кўп ижобий силжишларга сабаб бўлди. Шифохонамизда дайдилар ва уй-жойсиз шахслар сони юздан ортиқ бўлар эди. Ҳозир уларни қабул қилишга мажбур этиш, тазйиқ ўтказиш ҳоллари тўхтади. Мен бошқа шифохонадаги аҳвол билан ҳам қизиқдим. Тошкент шаҳар 2-сил касалликлари шифохонаси, юқумли касалликлар, руҳий касаллар даволанаётган шифохоналар раҳбарларининг айтишича, уй-жойсиз шахслар сони кескин камайган.

Биз беморлар ўртасида тушунтириш ишлари режалари ҳақида таклиф билан Собир Раҳимов район ҳокими Қудратилла Рафиковга мурожаат қилдик. Режаларимиз маъқулланди. Бу ишга район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Бахтиёр Сидиқов шахсан киришди. Беморларни қабул қилиш пайтида уларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказилди. Касалхонада ўзини қандай тутиш, даволаниш, тузалгандан сўнг фойдали меҳнат билан шуғулланиш хусусида тавсиялар берилди. Район ички ишлар бўлими вакиллари томонидан ҳам шундай суҳбатлар ўтказилмоқда. Натижа кутилгандан зиёда бўлди. Тошкент шаҳри бўйича энг нотинч ташкилот бизнинг шифохона ҳисобланган бўлса, охирги уч ойлар ичида бирон марта нохуш воқеа содир бўлмади. Жамоамиз «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига, район ҳокими Қ. М. Рафиқовга ва ички ишлар бўлимининг бошлиғи Б. Ғ. Сидиқовга чексиз миннатдорчилигини билдиради.

Ҳали олдимизда кўп ва мураккаб вазифалар бор. Ҳеч кимга сир эмаски, мардикорлар ва шуларга ўхшаш ёлланиб ишлайдиганлар ичида бошқа республикадан келган дайдилар кўп. Ишчи кучининг арзонлигига қизиқиб ойлаб, йиллаб ишлатиб, ҳатто уйларида сақлаб, оқибатда қимматбаҳо буюмларини ўғирлатган ҳоллар кўп учрайди. Булар ўртасида юқумли касаллик йўқ деб ким кафолат бера олади?!

Яқин вақтлар ичида республикамизда ҳаёт яхши бўлишига ишонаман. Давлат чегарамиз бўлиб, бундай дайдилар, енгилоёқ аёлларнинг келиши чекланишига аминман. Бизнинг вазифамиз эса республикамизнинг, жамиятимизнинг поклигини сақлашга ҳисса қўшишга қаратилган бўлмоғи зарур.

Атҳам РАСУЛЕВ,
Тошкент шаҳар 1-сил клиник касалликлари шифохонасининг бош врачи.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

ВИЛОЯТЛАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА

22 декабрь куни Гулистонда Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси якунлари ҳамда вилоят ҳокимиятининг 1993 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Б. Маҳмудов маъруза қилди.

Сессияда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Сессияда, шунингдек ҳокимиятнинг бўлим бошлиқлари, комплексларнинг раҳбарлари тасдиқланди.

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев нутқ сўзлади.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

* * *

Урганчда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Халқ ноиблари «Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн биринчи сессияси якунлари ҳамда вилоят ҳокими иш фаолиятининг 1992—1993 йилларга мўлжалланган дастуридаги асосий йўналишлар бажарилишининг бориши тўғрисида»ги масалани муҳокама қилдилар. Ана шу масала юзасидан вилоят ҳокими М. Жуманиёзов маъруза қилди.

Сессия ишида республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари К. Тўлаганов иштирок этди.

Сессияда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ— Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори

(Давоми. Боши биринчи бетда).

эркинликлар, динимиз равнақи йўлида амалга оширилган кўпдан-кўп хайрли ишлар, хорижий мамлакатлардаги диндош биродарларимиз билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги амалий фаолиятларига берилган муносиб баҳодир. Бу хушхабар жумҳуриятимиздаги барча мўминмусулмонларни беҳад қувонтирди. Бундай юксак унвонга камдан-кам давлат раҳбари муяссар бўлган. Мустақил республикамизни жаҳоннинг кўп мамлакатлари тан олаётир. Жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи, унинг обрў-эътибори ҳар биримизнинг сайъи ҳаракатимизга, астойдил меҳнатимизга боғлиқ.

Ҳуқуқий мустақилликка эришиш мураккаб жараён бўлиб, бу қутлуғ мақсадга етишда кўп муаммолар вужудга келишини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу муаммоларни оқилона ечиш учун ҳалол, пок, ватанпарвар, меҳр-оқибатли, имон-эътиқодли, юксак инсоний фазилатларга эга комил инсонларни тарбиялаш мураккаб замонамиз учун сув ва ҳаводек зарур, жамиятимиз уларга жуда муҳтождир. Хоҳ диний, хоҳ дунёвий бўлсин инсоннинг иймони комил, эътиқоди бутун, собитқадам бўлмаса, ҳақиқий ватанпарварлик туйғусини ўзида мужассам этмаса, унинг ўз олдига қўйган олий мақсадларига эришиши амри маҳолдир. Шу ўринда жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Ҳуббул Ватан минал иймон» («Ватанни севмак иймондандур») деган бир олам мазмун моҳиятга эга муборак ҳадисларининг нақадар ҳаётий ва муҳимлигини яна бир эслашимиз ғоят ўринлидир.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жонажон Ўзбекистонимизни тез орада дунёда тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун жумҳуриятимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Раҳбариятимиз олиб бораётган тўғри ва адолатли сиёсат ушбу эзгу мақсадларга эришишимиз учун мустаҳкам пойдевордир. Мустақил Ўзбекистонимизда янги-янги муносабатлар қарор топиб, муҳим ҳаётий, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган шундай тарихий бир пайтда барчамизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири раҳбариятимиз олиб бораётган сиёсатни ҳаётга татбиқ қилишда чин ватанпарварлик ва фидойилик кўрсатиш давлат маҳкамаларининг ҳам, диний ташкилотларнинг ҳам асосий бурчидир. Муқаддас китобимиз Қуръони каримнинг Ан-Нисо сурасида «Аллоҳга, унинг пайғамбарига ва ундан кейин ўз ичингиздан чиққан раҳбарларга итоат қилинглар» деб келтирилган буюк ҳикматга амал қилмоқлик, энг аввало, жумҳуриятимиз, халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори шарафли унвони билан муҳтарам Президентимизни яна бир бор муборакбод этиб, мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлида олиб бораётган улуғвор ишларида Яратганнинг ўзи мададкор бўлишини тилаймиз.

Убайдулла УВАТОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИНИНГ ҲАР ЙИЛГИ ҚИШКИ ТАЪТИЛИ ТЎҒРИСИДА

1. Йилнинг охирги ойи сўнгги тўрт куни ва янги йилнинг биринчи ўн кунлиги даврида Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари ва талабаларининг ҳар йилги икки ҳафталик қишки таътилини ўтказиш тўғрисида Халқ таълими вазирлиги билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таклифи қабул қилинсин.

2. Ўқув юртлари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар:

Қишки таътилни уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур чораларни кўрсинлар;

Кундузги бўлимда ўқийдиган талабалар ва ўқувчиларнинг доимий истиқомат жойларига бориб келишларига кўмаклашсинлар;

Таътил даврида мактаблар ва олий ўқув юртлари муаллимларининг имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминласинлар, бунинг учун ўқувчилар ва талабалар билан дарсдан ташқари иш олиб бориш шаклларидан фойдаланишни, шунингдек, муаллимлар малакасини оширишни, олий ўқув юртининг йўналишига мувофиқ турлича маслаҳат билан ёрдам беришни кўзда тутсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимликлари муаллимлар жамоалари билан биргаликда қишки таътил даврида ёшлар учун ўз ўлкасини, унинг бой тарихий меросини, маданий ва миллий анъаналарини ўрганишни кўзда тутадиган тадбирларни ташкил этсинлар.

4. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, автомобиль транспорти вазирлиги, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ўқув юртларининг буюртмаларига биноан қишки таътил даврида ўқувчиларга ва кундузги бўлимларда таълим олаётган талабаларга нархини 50 фоиз чегириб билет сотишни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 декабрь.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига мамлакатимиз истиқболини мустаҳкамлашда муҳим таянч ва унинг ёрқин келажаги бўлмиш ёшларнинг вакиллари таклиф этилди. Республикамизнинг турли жойларидан келиб, Тошкент шаҳридаги олий билим даргоҳларида таҳсил кўраётган талабалар вакилларининг Марказий Кенгаш раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов қисқача кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ўтган мазкур учрашув қатнашчилари — Тошкентдаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг вакиллари мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимиз тинчлиги, осойишталигини асрашга қаратилган сиёсатни маъқуллаб, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов номига Очиқ хат қабул қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев, Марказий Кенгаш котиблари Ҳ. М. Абдураимов, А. Ҳ. Саидов, И. А. Кочмариклар қатнашдилар.

ТОШКЕНТДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН БИР ГУРУҲ ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

ОЧИҚ ХАТ

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Тошкент шаҳридаги Олий ўқув юртларида республикамиз барча вилоятларидан келиб таҳсил олаётган бир гуруҳ талабалар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашидаги учрашув иштирокчилари, аввалambор, жонажон диёримизнинг Мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг осойишталигини асраш, мураккаб бозор иқтисодиёти шароитига ларзаларсиз ўтишни амалга ошириш, мамлакатимизни жаҳонга танитиш каби улуғвор мақсадларга қаратилган Сизнинг изчил, самарали ички ҳамда ташқи сиёсатингизни тўла маъқуллашимизни ва қўллаб-қувватлажагимизни билдирамиз.

Айни пайтда, республикамиз ўз бошидан кечираётган мураккаб даврда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам, янги-янги олий ўқув юртларининг — университет ҳамда институтларнинг ташкил этилиши, истиқболли ёшларнинг хорижда ўқишлари учун имкониятлар яратиб берилаётганлиги, талабаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрилаётган амалий чоралар, умуман, ватанимизнинг ёрқин келажаги бўлмиш ёшларга кўрсатилаётган беминнат ғамхўрлик учун Сизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Заҳматкаш халқимиз, Сиз бош бўлган олийҳиммат ҳукуматимиз ва ота-оналаримизнинг меҳрибонлигига жавобан биз бутун куч-ғайратимизни илм-фан ютуқларини эгаллашга, ҳур элимиз равнақи учун ўта масъулиятли замонамизнинг юксак эҳтиёжларига монанд мутахассислар, чинакам ватанпарвар бўлиб етишишга сарфлаймиз, деб Сизни ишонтирамиз.

Бахтиёр МАМАЖОНОВ, Роза ЯҲЁЕВА (ТошДД), Лариса ЭРНИЁЗОВА (шарқшунослик институти), Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ (ҳуқуқшунослик институти), Ҳолиқул ТУЛАГАНОВ (молия институти), Алексей СИЧУНОВ (иқтисодиёт дорилфунуни), Ортиқгул АБДУЛЛАЕВА (пед-институт), Зуҳра ТОЖИБОЕВА (дориншунослик институти), Жуманазар МИРЗАЕВ (техника дорилфунуни), Аҳмаджон ЧОРИЕВ (I тиббиёт институти) ва бошқалар.

1992 йил 22 декабрь.

Ямин ҚУРБОН—60 ёшда

МАСАЛНАВИС ШОИР

Ямин Қурбон масалларини мактаб ўқувчисидан тортиб дорилфунун олимларигача севиб ўқишади. Масалнавис шоирнинг энг яхши шеърлари дилрабо қўшиқларга айланиб, юрт кезади, дилларга завқу шавқ улашади. Зеро, халқининг, юртининг келажагини ўйламаган, у билан ҳамнафас ижод қилмаган қалам соҳибининг эртаси ҳам йўқдир.

Биз фидоий шоиримизни олтмиш ёши билан чин дилдан қутлаймиз.

Ямин ҚУРБОН.

ХАЛҚИМ

Эй, теран дарёдек осуда халқим,
Сен борки, мен борман, эркинлигим бор.
Метин қоялардай қадоқдир кафтим,
Тафтимдан эрийди қаҳратонда қор,
Сен борки, офтобдай ёнадир қалбим,
Сен борки, эрурман қаторинда нор.
Ғанимлар зотига эгилмадинг сен,
Жафолар жаласин ёғдирганда ҳам;
Буюк жангчилардек енгилмадинг сен,
Босмадинг ҳеч қачон ортингга қадам!
Заҳматнинг жўш урган маскани—аро
Тер бодрар манглаю чеккаларингда.
Меҳрингдан ардоқда бу азиз маъво,
Зил юки тоғдайин елкаларингда.
Эй, теран дарёдек осуда халқим,
Сен борки, мен борман, эркинлигим бор,
Метин қоялардай қадоқдир кафтим,
Тафтимдан эрийди қаҳратонда қор.
Сен борки офтобдек ёнади қалбим,
Сен борки, эрурман қаторингда нор.
Суйганинг эътиқод этганинг ҳар дам,
Тинчлигу тенглигу ҳурматли инсон.
Ҳар қилган ишингда холиси ҳакам,
Имондир, имондир, покиза имон!
Бағрингдир бамисли коинот, тантим,
Ҳар сўзинг — боғлардан таралган ифор.
Эй, менинг дилимдан олгувчи дардим,
Кўксимда мангулик виқорсан, виқор...

ЭРКУ БИРЛИК БЎЛМАСА

Меҳнатингдан кутма роҳат, эрку бирлик бўлмаса,
Қайда кулгай сенга омад, эрку бирлик бўлмаса.

Қалбингаро инмагай бил, кўксингни сен этки чок,
На муҳаббат, на шафаот эрку бирлик бўлмаса,

Юрт зийнати зийнатингдир, тупроғидир номусинг,
Қилгувси ёв юртни ғорат эрку бирлик бўлмаса.

Хоҳ қариндош, хоҳи фарзанд, бўлгувсидир охири
Бевиқору беоқибат, эрку бирлик бўлмаса.

Сақламиш кўз қорасидек ўзлигини қай улус,
Ҳамда кўрмиш не фароғат, эрку бирлик бўлмаса.

Саодатни шиор айлаб олға интил, эй Ямин,
Умринг ўтгай, бесаодат, эрку бирлик бўлмаса.

МАЖЛИСЛАРИ БОР БЎЛСИН-ЕЙ!

ИНТЕРМЕДИЯ

Эрмат Шерматович ҳовлиқиб кабинетига кирди-ю ўтирмасдан қўнғироқ тугмачасини босди. Нозиккина котиба қиз унинг ҳузурига ийманибгина, салом бериб кирди. Бошлиқ саломга алик олиб-олмай:

— Дарҳол Баттоловни бу-ёққа чақиринг, — деди.

— У киши ҳозиргина қўнғироқ қилиб узрларини айтувдилар. Қандайдир мажлисга боришлари керак экан. Кечроқ келарканлар

— Ҳим-м, сунақа денг, Баттолов бўлмаса, Сароповни чақира қолинг.

Котиба кулгига мойил лабини қимтиди, кафти билан тўсди. Бошлиқнинг «Ш» ҳарфини айтолмаслиги бу гал ҳам қизиқ туюлиб кетди. Тезда ҳушёр тортди.

— Шаропфам қандайдир мажлисдалар, бундан хабарингиз бўлса керак.

— Эй-ҳа, дарвоқе, у киси атроф-муҳитни муҳофаза қилувчилар кенгасига бориси керак эди. Хў-с, Сувсаров бормикин, қараб кўрингчи.

— Ўчакишгандай у киши ҳам йўғлар. Назоратчилар йиғилишига кетгандилар.

— Оббо, сунақада, ўчакисади-да, ўзи. Сокировчи, Сокиров?

— Шокировми? Уч кундан бери келмаяптилар-ку. Ўзингиз аллақаёққа слётга жўнатгандай бўлувдингиз, шекилли.

— Ҳа-ҳа, тўғри. Қаранг, ҳаёл ҳам жойида эмас. Хў-ўс, бизда ҳалиги бор эди-ку, Ўсмахонми, Сурмахонми, деган жувон, ўса қаерда экан?

— Сурмахон Ҳайдаровна бугун қаердадур маъруза қилишлари керак экан, эрталаб бир ров кириб айтгандилар.

— Ҳим-м... Ундай бўлса мажлисларда доимо вакилимиз бўлиб юрғувчи йигит бор-ку, ҳаҳ, фамилияси нима эди. Муқимифмиди-ей, ана ўса йигит бормикан? Бўлса ўсани чақириб қўя қоласиз-да.

— Вой у киши болнисага тушиб қопдилар. Хотини бечора қўнғироқ қилиб шунақа девди. Кўп ўтиришдан касб дардига мубтало бўптилар, шўрлик. Операция қилишармиш. Афтидан мажлисларга бораверib, хасталаниб қолганга ўхшайди.

— Ана холос, яхси бўмабди-ку. Менимча, бу ерда иккимиздан бошқа ҳеч ким қомапти, секилли ўзи. Ҳай, майли.

— Бор, Эрмат Шерматович, бор. Ҳалиги садовнигимиз Ҳотам ота кампирлари, яъни фаррошимиз Санталат хола билан чойхўрлик қилиб ўтиришгандай бўлувди.

Бошлиқ бўғилди. Қўл силтаб, ғудранди:

— Бўпти, қизим. Мен бошқармага мажлисга кетяпман. Кечроқ қайтаман. Ис куни тугагунча келмасам, одамларимизга тайинлаб, эртага эрталаб менинг кабинетимга тўпланисларини айтиб қўйинг. Баъзи масалаларни муҳокама қилмасак бўлмайдиганга ўхсайди.

— Демак, одамларимиз энди ўзимиздаги мажлисга тўпланишар экан-да?

— Сундай, сундай, Интизомам жа бўсасиб кетди.

Бошлиқ шундай дея стол устидаги календарга кўз югуртирди. Эсдалик ёзувига кўзи тушгач, кабинетдан чиқиб кетаётган котибани тўхтатди.

— Эй, сосманг, қизим, сосманг. Искал чиқиб қолди бу ёрда. Эртага эрталаб яна катта бир мажлисга борисим сарт экан. Квартал якуни муҳокама қилинаркан қуриб кетсин! Бормасанг бўлмаса. Сахсан каттамизнинг ўзлари қатнасар эканлар. Қаттиғ гаплар бўлса керак-да. Уф-ф, рост, гап, мажлисларам жа жонга тегди-да. Дод деб бос олиб кетворай, дейман баъзан.

— Ўзи мажлислар жа кўп бўларкан-да, ростданам.

Котибанинг бошлиғига раҳми келгандай бўлди.

Эрмат Шерматович шошганча чиқиб кетди. — Бошқармадаги мажлисга улгуриши керак. Котиба унинг ортидан мўлтираганча:

— Мажлисларим бор бўлсин-ей, — деб қўйди.

Турсунбой МАҲМУДОВ.

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

•Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деб бежиз айтилмаган. Аммо ҳозирги кунда айрим юлғичлар пайтдан фойдаланиб, турли қинғир йўллар билан бойлик орттиришга ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятидаги 2-постда давлат рақами «31—43 ПАЛ» ва «83—48 ПАО» юк автомобиллари ушланди. Текширишдан шу нарса маълум бўлдики, Павлодардаги «Иннам» хусусий корхонаси Тошкентдаги «Барака» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси билан мол айирбошлаш ҳақида шартнома тузиб, 20 тонна лимонни нақд пулга харид қилган ва павлодарликларга «Янги йил совғаси» тарзида олиб бормоқчи бўлган.

Аммо, лицензияси «Узплодоовошвинпром» концерни томонидан декабрь ойи бошида берилган «Барака» фирмасининг «қўлбола» ҳужжатлари асосида тузилганлиги аён бўлди. Мазкур иш юзасидан 340 минг сўмлик нақд пул ва икки миллион 276 минг сўмлик лимонлар мусодара қилинди. Энди бу лимонлар республика меҳнат аҳлининг байрам дастурхонига инъом қилинади. Аниқланган барча маълумотлар Тошкент вилояти прокуратурасига қонун бўйича чора кўришга юборилган.

ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

Республика давлат божхона қўмитасининг Андижон вилоят бошқармаси ходимлари вилоят «Плодоовошвинпром» бирлашмаси ва Грузиядаги шу тармоқ республика бирлашмаси билан тузган 140-рақамли мол айирбошлаш ҳақидаги шартномасини текшириб кўрдилар. Маълум бўлишича, «Узплодоовошвинпром» концерни томонидан берилган 201, 202, ва 203 рақамли лицензияларда республикадан олиб кетиладиган 3900 тонна пиёз эвазига Грузиядан тўрт вагон чой келтирилиши қайд этилган экан. Аммо Грузиядан Андижонга чой ўрнига 238517 шиша коньяк келтирилган. Олинган ички вилоят матлубот жамияти тижорат бўлимларида, бир қисми эса улгуржи омбордан нақд пулга сотилган. Бу иш бўйича ҳам текшириш давом этмоқда.

БОЖХОНАДА НИМА ГАП?

ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ...

Пахтакорларнинг машаққатли меҳнати билан етиштирилган пахта толасини ноқонуний сотиб, фойдаланмоқчи бўлаётганлар кўпайиб қолгандай. Фарғона шаҳридаги темир йўл станциясида 22695001 рақамли вагонда 50,5 тонна пахта толаси тегишли ҳужжатларсиз олиб кетилаётганда ушланди. Юк Фарғона вилояти, Охунбобоев районидаги «Истиқбол» уюшмасига тегишли экан. Улар толани Марҳамат район, Қорабоев номли жамоа хўжалигидан харид қилиб, Белорусь республикасидаги Баранович шаҳрига юборишни режалаштиришган экан. Божхона ходимларининг зийраклиги билан 15 миллион сўмликка яқин тола мусодара қилинди. «Истиқбол» уюшмаси раиси Р. Эргалиевга жарима солинди.

Жиззах темир йўл станциясида эса 21027164 рақамли вагон билан Россияга 49 тонна 410 килограмм, жами 12 миллион 152 минг сўмлик пахта толасини лицензиясиз олиб кетишга ҳаракат қилинган. Юк Жиззахдаги «Санзар» қўшма корхонасига қарашли бўлиб, толани Москва вилоятининг «Ока» кичик корхонасига жўнатмоқчи бўлганлар. Бу гал ҳам божхона ходимлари ножўя ҳаракатларнинг олдини олишди. Тола мусодара қилиниб, «Санзар» қўшма корхонасининг масъул ходими Р. Асатуровга жарима солинди.

ЖАЗЗАСИГА ЖАРИМА

● «СОВАВСТРОТЕКСТИЛЬ» қўшма корхонаси Қримга камёб қурилиш материалларини божхона қоидаларини бузиб юбормоқчи бўлганлиги учун Тошкентнинг Сергели район халқ суди давлат ҳисобига 2 минг 800 сўм жарима тўлаш ҳақида қарор чиқарди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг истиқлол диёри билан танишиш учун кўплаб сайёҳлар ташриф буюришмоқда. Республикамиз фуқаролари ҳам хорижга бориш учун кенг имкониятларга эга бўлишяпти. Зеро, кўпчилик саёҳат баҳона бойлик орттиришга уринаётгани аён бўлиб қолмоқда. Жумладан, Тошкент аэропортидан Ҳиндистонга учмоқчи бўлган Қирғизистон фуқароси А. Жўраевнинг юклари кўздан кечирилганда, ўшлик йигитнинг «омади» юришмай қолди. Боиси, сайёҳнинг ёнидан 19 минг сўм пул ҳамда 11 та турли қимматбаҳо тошлардан тайёр ланган қадимий заргарлик буюмларини қонунбузарлик билан олиб кетмоқчи экани фош бўлди. Барча буюмлар мусодара қилинди, текшириш ишлари давом этмоқда.

● УРГАНЧ темир йўл вокзалидан 57-поездда Волгоградга, сўнгра Туркияга бораётган бир гуруҳ бухоролик сайёҳлар ҳам «учар» чиқиб қолишди. Чунки, улар ўзлари билан ноқонуний равишда 9508 метр газлама 96 килограмм ҳинд чойи, жами 790 минг сўмлик моддий бойликларни олиб кетишаётган эди. Бу буюмлар ҳам мусодара этилиб, сайёҳларга жарима солинди.

● ТОШКЕНТ вилоятидан Хитой Халқ Республикасига йўл олган давлат рақами «37-83 ТНМ» ЛАЗ-699 автомобили ушланганда, 20 га яқин саёҳ жами 3 миллион сўмликка яқин турли буюмларни олиб кетаётгани аён бўлди. Ўзимизда камёб бўлиб турган гилам, музлатгич ва бошқа кенг истеъмол буюмлари мусодара қилинди.

● 3490-РЕЙС билан Тошкентдан Кемеровага учаётган Евгений Шербаков диёримизда аёзли кунлар бўлишини билмаса керак. Бўлмаса, уни 15 та Канада тайёрланган иссиқ курткаларни олиб кетмоқчи бўлганлигини қандай изоҳлаш керак. Унинг гапига қараганда курткаларни 180 минг сўмга харид қилганмиш. Саёҳнинг моли мусодара қилиниб, жарима ундирилди.

Бундай хабарларни эълон қилишдан мақсад саёҳат бахона тижоратга куч бериб, эл-юрт ризқини қийиб, бойлик орттирмоқчи бўлган баъзи кишиларни хушёрликка тортишдир. Зеро, кўза кунда эмас, кунида синади. Божхона ходимлари эса зийраклик билан бундай беҳуда уринишларнинг олдини оларадилар.

О. ЁДГОРОВ,
республика Давлат божхона қўмитаси матбуот маркази ходими.

• Спорт

ЧЕМПИОНЛАРНИ ШАРАФЛАШ

Ўзбекистон футболининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрамона маросимда пахтакорчилар саҳнага кўтарилишди. Зални тўлдириб ўтирган мухлислар, футбол фахрийлари, мутасадди мутахассислар пахтакорчиларни олқишлар билан шарафладилар. Футболимизнинг ўзига хос байрамига бағишланган маросим ҳам катта тантанага айланди. Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларидан меҳмон бўлиб келган футбол уюшмаларининг вакиллари ҳам ўзларининг дил сўзларини айтишди.

СОВРИННИ КИМ ОЛАРКИН?

«Мустақиллик кубоги» учун ўтказилган беллашувлар мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Саралаш баҳслари «Меҳнат резервлари» спорт комплексида ўтказилиб, ҳал қилувчи беллашувлар «Алпомиш» спорт саройида давом этди. Учинчи ўрин учун кураш тақдири осонгина ҳал бўлди. Ака-ука Сергей ва Темур Раҳмоновлар 7 минутдан кўпроқ вақт ичида беллашиб орани очиқ қилишди. Сергей 12 минг сўмлик мукофот ва эсдалик совғаларини Хоразмга олиб кетадиган бўлди. Зеро, Қодир полвон билан Эрали полвон ўртасида бошланган мутлақ ғолиблик учун кураш муросасиз баҳсга айланди. Белгиланган муддатда ғолиб аниқланмади. Ҳакамлар «кураги ерга теккунча» қабилида курашишга йўл беришди. Яна бўлмади. Энди 10 январь куни ўн минутли курашда ғолиб аниқланадиган бўлди. Зўр полвонга 150 минг сўм бериш кўзда тутилган.

МУСТАҚИЛ МИЛИЦИЯМИЗ УЧУН МУТАХАССИСЛАР

Бундан 60 йил муқаддам Қўқон шаҳрида дастлабки милиция мактаби ташкил қилинган эди. Кейинчалик у республика пойтахтига кўчирилди. Тошкент милиция ўрта мактаби ўтган даврда ички ишлар идоралари учун минглаб малакали мутахассислар етиштириб берди. Мактаб шахсий состави мамлакатимиз халқи тинчлиги ва яратувчилик меҳнатини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш билан бирга табиий офатларни енгишда ҳам фаол иштирок этди.

Мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар жамоаси ҳозир мустақил республикамизни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида таълим-тарбия ишларини тобора такомиллаштирмоқдалар. Айниқса, ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси мустақил милициямиз сафларида кенг билимли, жисмоний ва жанговар чиниққан ватанпарварлар бўлишини тақозо этади. Мактабнинг 60 йиллиги тантаналарига ташриф буюрган генераллардан тортиб курсантларгача, ота-оналар ва ички ишлар фахрийларининг нутқларида ана шу фикр кўп бор такрорланди. Ўқиш ва ўқитиш илғорларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мукофотлари топширилди. Юбилей таниқли санъаткор Икромжон Бўроновнинг милиция формасидаги ансамбли концерти билан якунланди.

СУРАТЛАРДА: юбилей тантаналаридан лавҳалар.

Суратқаш Ҳ. ШОДИЕВ.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 25 декабрда чиқади).

Ўзбекистон овози

ЖАРЧИНОМА

Жамғарма банки

30 декабрь соат 10.00 да

ТОШКЕНТДАГИ САНЪАТ САРОЙИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ

УЧИНЧИ ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Заём облигацияларини сотиб олишга шошилинг! Янги йил арафасида энг йирик ютуқ 250 000 сўм сизга насиб этса ажаб эмас.

Заём облигациялари Жамғарма банкининг барча муассасаларида эркин сотилади ва сотиб олинади.

«СПОРТЛОТО»— МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ

«Спортлото», «Спортпрогноз», «Спринт» республикамиздаги энг оммавий спорт лотереяларидир. Лотереяларни сотишдан тушган маблағнинг ярми Ўзбекистон спортини ривожлантиришга, ярми ютуқларни тўлашга сарфланади. Бу йил «Спортпрогноз» ўйнаган 98 киши, «Спортлото»дан 155 киши 16 минг сўмдан 441 минг сўмгача пул ютуғи эгаси бўлишди.

Шу йил 1 ноябрдан лотереялар баҳоси беш баробар ошди. Ютуқлар миқдори ҳам кўпайди.

«Спортлото»даги янги «56х6» лотереяси ўйини ва ютуғи билан ажралиб туради. Унда иккита рақамни топганлар 250 сўм, 6 рақамни топганлар 2.000.000 сўм ютиши мумкин.

Бу йил «Спортлото» «45х6» дан 5 ва 6, «Спортлото «36х5» дан 5 ва 4 та, «Спортпрогноз»дан 13 жуфтликни топганлар учун «+Миллион» ютуғи 6 тиражда ўтказилди. Шунингдек, «Спортлото»нинг 10 тиражда қатнашадиган лотереялари бўйича 5 марта, «Спортпрогноз» лотереяси бўйича 9 марта супертираж ўйналди.

«Спринт» мухлисларининг омади келди. Улар Канадада тайёрланган «Супер спринт», туркияликларнинг «Ширин спринт» лотереяларида бахтларини синаб кўришяпти. «Омад» лотереясида пул ва буюмдан ташқари, Автомобиль ютиш мумкин.

1993 йил «Спринт» лотереяларининг 50 ва 100 сўмлик билетлари чиқарилади. Унинг энг катта ютуғи 2 ва 5 миллион сўм.

«+Миллион» ютуғи ҳар 5 тираждан кейин ўтказилади.

1993 йил «56х6» лотереянинг 10 тиражли бланкалари чиқарилади. Бундан ташқари, «Спринт» лотереясининг буюм ва енгил автомашина ютуғи қўйилган билетларини чиқариш мўлжалланган.

«СПОРТЛОТО», «СПОРТПРОГНОЗ», «СПРИНТ» ЎЙИНЛАРИДА АКТИВ ҚАТНАШИНГ. ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон қишлоқни сув билан таъминлаш ва канализациялаштириш жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси Хоразм вилояти ичимлик суви ишлаб чиқариш, таъминлаш ва бошқариш бошқармасининг бошлиғи

Маҳмуджон НУРИМБЕТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-41, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Р. ШОДИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: *700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси. 32.*

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.30. Г — 512. № 252. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.